

КОТ ҚАЛЬАСИ – АФРИГИЙЛАР СУЛОЛАСИ ПОЙТАХТИ

Турганов Б.Қ., Уразбаев А. П.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Тарих ўқитиши
методикаси кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти «Ижтимоий–гуманитар
фанларни ўқитиши методикаси (тарих) » мутахассислиги магистранти

Аннотация. Мақолада ёзма манбалар ва археологик материаллар асносида илк ўрта асрларга оид Жанубий Орол бўйидаги Кот қалъаси тарихи ўрганилди. Кот қаласи IV–X асрларда Хоразм давлатида узоқ муддат ҳукмронлик қилган Афригийлар сулоласининг пойтахти ва марказий шаҳри бўлган. Кот шаҳрининг энг гуллаб яшнаган даври IX - X асрларга тўғри келади. Бу даврда шаҳар Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган савдо-иктисодий марказ сифатида муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, бу даврда Кот шаҳрида илм-фан ва маданий соҳалар ҳам ривож топади.

Афсуски, X аср охиридаги сиёсий воқеаликлар ва табиий факторларга боғлиқ Кот шаҳари ўзининг аввалги мавқеини йўқота бошлади.

Калит сўзлар: Афригийлар сулоласи, Кот қалъаси, Жанубий Орол бўйи, Хоразм давлати, илк ўрта асрлар, ёзма манбалар, археологик материаллар, пойтахт шаҳар, маданий марказ, Буюк ипак йўли чорраҳаси, савдо-сотик, маданий марказ.

Марказий Осиё худудида илк давлатчиликнинг шаклланишида Жанубий Орол бўйидаги қадимиј пойтахт шаҳарлар алоҳида ўрин тутган. Ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйган Хоразм давлатининг 2700 йиллик тарихга teng эканлиги кўплаб тарихий адабиётларда ўз ифодасини топган. Жанубий Орол бўйидаги қадимиј Хоразм давлатининг Даржаш (Ақшахон қалъа), Тупроқ қалъа, Кот (Фил қалъа, Қият), Гургандж (Кўхна–Урганч), Вазир – Дэвкесан, Хива каби марказий ва пойтахт қалъалари тўғрисида кўплаб афсона ва ривоятлар сақланган.

Айниқса, ўзбек давлатчилик тарихида 700 йиллик тарихга эга Афригийлар сулоласи ва унинг IV–X асрлардаги пойтахти Кот қалъаси тарихини ўрганиш давлатчилик тарихимиздаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Кот

қалъаси Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳрининг жануби–ғарб томонида жойлашган. Кот сўзининг луғавий маъноси қадимги хоразм тилида «қишлоқ» деган маънони англатган. Баъзан «Кос» хоразм тилида даштиликдаги узун девор маъносини билдиради. Ҳар иккаласи ҳам аҳоли яшовчи худуд кент маъносига тўғри келади. Сўнгги ўрта асрлардаги маҳаллий ва рус манбаларида шаҳар Қият номи билан аталган.

Кот қалъасида 1937 йили А.Н.Тереножкин томонидан дастлабки разведкалиқ археологик тадқиқот ишлари олиб борилган. 1963–йили археолог Ю.П.Манылов томонидан археологик қазув ишлари давом эттирилган [8,49–53]. Қалъада олиб борилган археологиялик тадқиқотларда мил.авв. IV–II асрлар, мелодий II–IV ва VII–VIII асрларга оид артефактлар аниқланган.

Афсуски, Амударё сувининг бир неча бор тошқинлари ва қалъани сув босганлик туфайли Кот қалъасининг ўрта асрлардаги қиёфасини археологик жиҳатдан ўрганиш бироз мушкул ҳисобланади.

Ёзма манбалардаги маълумотлар илк ўрта асрларда Кот – Хоразмнинг пойтахт шаҳар сифатида Шарқдаги йирик иқтисодий ва маданий марказлардан бири бўлганлигини кўрсатади.

Араб–форс муаллифлари асарларида шаҳар «ал–Фир – Фил (ат–Табарий), Кот ёки Кос (Истаҳрий, Ибн Хавкал, Мақдисий), Фил ёки Фир (Беруний)» каби номлар билан аталади.

Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида Фирқалъа ва уни қурдирган Хоразм шоҳи ҳақида маълумотлар мавжуд: «Африғ Искандар тарихининг олти юз ўн олтинчи (мелодий 305 йили) йилида ал–Фир устига ўз қасрини қурдирди. Кейин хоразмликлар Африғ ва унинг авлоди подшоҳлигидан тарих олдилар» [1,71]. Унинг Кот шаҳари қурилиши тўғрисидаги маълумоти қизиқарлидир: «Ал–Фир Хоразм шаҳри яқинидаги қалъа эди, у лойдан ва хом ғиштдан қурилган бўлиб, бири ичига иккинчиси қурилган ва биридан иккинчиси баланд учта девори бор эди ва уларнинг ҳаммасидан подшолар кўшки баланд эди. Ал–Фир ўн миль ва ундан олисдан ҳам кўриниб турарди»[1,48].

Хозирда Фил қалъасининг сақланиб қолган қисми Беруний туманидаги Шоббоз қишлоғидан 2–2,5 км шимолроқда жойлашган. Фил қалъа квадрат шаклда қурилган қалъа бўлиб, ҳажми тахминан 220x220 метрдир[6,117]. Қалъани бир неча марта сув босган. Унинг деворлари жуда емирилиб нураб кетган. Қалъанинг жануби–шарқий бурчагида квадрат шаклда ҳажми 54x54 метрга teng қўшк бор. У жуда қалин ва баланд девор билан ўраб олинган. Деворлари баландлиги 10–11 метр, қалинлиги 6 метр. Деворлари лой пахсалар билан қурилган. Кўшкнинг ички қисми бўш.

Маҳаллий аҳоли ўртасида қадимда Хоразм подшолари бу инишот ичида ўзларининг филларини асрлашган деган ривоят сақланиб келган. Фил қалъадан сўнгги кушонлар даврига оид кам миқдордаги кулолчилик материаллари топилган. Мазкур археологик маълумотлар Фил қалъа 305 йилда Африғ кўшкни қурилмасдан ва бу ерга афригийлар қароргоҳи кўчирилмасдан илгари мавжуд бўлганлигидан дарак беради.

Маълумки, Кот пойтахт шаҳарга айланган даврда Хоразмда ижтимоий–иқтисодий муносабатларда катта ўзгаришлар рўй берган давр сифатида изоҳланади. Бу даврда қулдорлик тузуми инқирозга учраб янги ижтимоий–иқтисодий феодал тузумнинг шакланиш жараёни юз бермоқда эди. Шу сабабдан Кот шахрининг шакланиш жараёни бир текис кечмаган.

Академик Я. Ғуломов фикрича, «IV асрда Кот канали рустоғида ва Тупроққалъада ҳаёт тугайди ёки инқирозга юз тутган. Кот рустоғи бўйидаги Фил қалъа қурилиши тугаланмай қолган» [6,123]. Ушбу ижтимоий–сиёсий инқироз икки аср давом этиб «воҳадаги маданий ва иқтисодий ҳаёт» факат V–VI аср бошларида янгидан қайта жонлана бошлайди. Бу даврга келиб Афригийлар сулоласи томонидан Хоразм давлати сарҳадларини бирмунча мустаҳкамлашга эришилади.

Араблар хукмдорлиги даврида Хоразмнинг иккига бўлинниб кетиши воҳанинг сиёсий ва иқтисодий тараққиётини орқага сурувчи салбий омиллардан бири бўлди. Бу даврларда Жанубий Хоразм афригийлар сулоласига мансуб бўлган Хоразмшоҳ тасарруфида бўлиб, пойтахти Кот шаҳри эди. Шимолий Хоразмга араб амирлари бошчилик қилган; пойтахти Журжония (Урганч) шаҳри эди.

Араб муаллифлари томонидан Кот «Фил» шаҳри номи остида Табарий (839–923 йй.) томонидан 712 йилги арабларнинг Хоразмга ҳарбий юриши давридаги воқеаларни тасвир этиш муносабати билан тилга олинади. Муаллифлардан Табарий ва Белазурый асарларида Кот шаҳри Хоразмнинг ўша даврдаги учта шаҳарларидан бири сифатида тилга олади. Улар ал–Фир (Кот), Хазарасп ва Урганч шаҳарлари эди.

Белазурый (892 йилда вафот этган) таъкидлашича, Кот йирик (Хоразмда) мудофа инишотига эга шаҳар, майдони жиҳатдан араблар давригача бўлган Самарқанд шаҳрига тенг бўлган [10,235]. Бироз кейинги даврдаги араб–форс муаллифларидан Истаҳрий (850–934 йй.) Хоразмнинг ўн учта шаҳрини санаб ўтади, улардан биринчилар қаторида Кот шаҳри номи келтирилади [9,180].

Ал–Истаҳрий ёзишича, «Унинг пойтахти хоразмчасига Кас дейилади. Унда қалъа бўлиб, ҳозирда унда ҳеч ким яшамайди. Унинг ичида шаҳар (мадина) бор, лекин уни дарё бузиб юборган, халқ эса унинг орқасига бошқа шаҳар қуриб

олган; дарё (хеч ким яшамайдиган) қалъа яқинига келиб қолғанлиги сабабли, уни вайрон қилса керак деб хавфланадилар. Жоме масжид орқасида (ундан шарқроқда), Хоразмшоҳнинг саройи, жоме масжид ва зиндан қалъа (шу) ёнидадир. Шаҳар (мадина) ўртасида Жардур канали бор, бу канал шаҳар ва бозорни икки қисмга бўлиб туради. Шаҳарининг узунлиги 1/3 фарсахга (2 км дан ортиқ) тенг, кенглиги ҳам шунча» [9,178]. Демак, IX–X асрларда Кот қалъаси майдони тахминан 500 га яқин бўлган .

Ал–Муқаддасийнинг «Аҳсон Ат–тақосим фи–маърифат алақолим» («Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланмана») асарида (Х аср) ёзилишича, «Кас (Кот)ни Шаҳристон деб атайдилар дейди. У (дарё) қирғоғида ва катталиги бўйича Нишопурга ўхшайди, дарёning шарқ томонидадир. Бозор жойнинг ўртасида жоме масжид бор. Ҳукумат девони шаҳар ўртасида арк бўлган, лекин уни дарё бузиб ташлаган. Шаҳар дарё тагида қолиб бормоқда, аҳоли эса соҳилдан узоқлашмоқда» [6,154].

Ал–Муқаддасий Кат ҳақидаги қўйидаги жумлаларни қўшимча келтириб ўтади: «Шаҳар (Кат) ғоят даражада қўрқам, унда фозилу–олимлар, нафис адабиётнинг кўпдан–кўп билимдонлари бор...».

IX–XI асрларда Кот шаҳри Хоразм давлатининг иқтисодий, илмий ва маданий маркази бир бўлиб, бу борада у Самарқанд, Бухоро, Нишопур, Марв каби Шарқнинг йирик шаҳарлари билан беллаша оларди. Шаҳарда масжид ва мадрасалар фаолият кўрсатиб, уларда ўз даврининг илғор ва билимдон кишилари диний ва дунёвий фанлар, маданиятни тарғиб қиласидилар.

Сайёҳ ал–Муқаддасий (985 йил) бу ҳақида қўйидаги маълумотларни беради: «Шаҳар улуғвор, унда кўплаб уламолар бор, улар ноёб китоблар билимдони»[3,29].

Ўша даврда Кат шаҳрида диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанлардан астрономия, математика, геодезия, математика, география каби фанлар анча ривожланганлиги, шубҳасизdir.

Абу Райҳон Берунийнинг гувоҳлик беришича, IX асрда Ўрта Осиёнинг баъзи йирик шаҳарларида расадхоналар мавжуд бўлиб, у жойларда маҳаллий олимлар фаолият юритишган. Жумладан, Марв, Амул (Чоржаў) ва Хоразм ҳукмдори Мансур ибн Талх даврида мунтазам астрономик кузатиш ишларини олиб борилган. X аср охири ва XI аср бошларида Ибн Ироқ ва Беруний Кот шаҳрида, Ибн Сино ва Беруний Гургон шаҳрида, Беруний Кўхна –Урганч шаҳарларида бундай астрономик кузатувларни олиб боришган[3,19].

Абу Райҳон Беруний ёзишича, у 990–йилда Кот шаҳрида яшаган даврида муҳим аҳамиятга эга астрономиялик кузатишлар олиб борган. Бунинг

натижасида Кот шаҳрининг географик кенглигини аниқланган. У айланасимон асбоб ёрдамида шаҳарда қуёшнинг оғиш жараёнини ҳисоблаб чиқкан [3,27–28].

Кот – Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган муҳим савдо–иқтисодий аҳамиятга эга бўлган транзит шаҳар ҳисобланган. Ўрта асрларда Хоразмда Буюк ипак йўлининг тармоқлари ҳисобланган учта халқаро йўл туташган:

- 1) Мовароуннахрдан бошланган асосий карвон йўли;
- 2) Хурросондан;
- 3) Журжондан.

Ушбу Мовароуннахрдан бошланган асосий карвон йўли Бухоро –Варахша – Қизилқум (Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб) – Кот – Хос –Нузкат – Вайхон – Нукбоғ – Миздакхон – Кўҳна –Урганч орқали ўтган. Кот шаҳрининг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашуви унинг шимол томондан Шарқий Европа ва қўчманчи туркий халқлар билан, жанубда Ўрта Осиё, Бухоро, Эрон, Хитой, Ҳиндистон ва араб халифалиги худудлари билан савдо–иқтисодий ва маданий интеграциясини таъминлади ва шаҳарнинг юксалишига хизмат қилди.

Айниқса, Ўрта Осиёнинг Шарқий Европа ва қўчманчи туркий халқлар билан олиб бориладиган ташқи савдосида Кот шаҳри муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлди [14,33–37].

Муаллифи номаълум «Худуд ал–алам мин ал–машриқ ила–л мағриб» (Х аср) асарида ёзилишича: «Кос (Кот) –Хоразмнинг бош шаҳри .. турк товарлари, савдогарлари йиғиладиган жой.. У жойдан ёстиқ, сирланган кийимлар, пахта газламаси, руҳбин (маҳсус пишлок тури) ташки савдога чиқарилади»[9,216].

Ўрта аср муаллифларидан Истаҳрий (850–934 йй.) Кот шаҳри иқтисодий ҳаёти тўғрисида, «Кос (Кот–Хоразм) – бадавлат шаҳар, озиқ–овқат маҳсулотлари, мевалар.. пахта, жундан газламалар тайёрланади. ... Уларнинг ўлкасида (Хоразм) ҳеч қандай олтин, кумуш ёки қимматбаҳо тош конлари йўқ. Уларнинг асосий бойлиги турклар билан бўладиган савдодан ва чорва молларини кўпайтиришдан топади» дея маълумот беради [9,180].

Араб–форси муаллифлари маълумотлари шуни кўрсатадики, илк ўрта асрларда Кат шаҳарида тўқувчилик, кулоллик, металлсозлик ва бошқа қўплаб ҳунармандчилик соҳалари тараққий этган бўлиб, бу эса ўз навбатида шаҳарда илм–фан, маданий ва иқтисодий ҳайтнинг ривожланишига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади [12,116–119].

Манбаларда келтирилган маълумотлар таҳлилларига кўра, Кат шаҳрида Шарқ мамлакатларидан, шунингдек, Шарқий Европадан келган турли халқлар, ҳатто румликлар ва сурияликлар ҳам тўпланиб турли соҳалар юзасидан мулоқотда бўлишган.

Ўрта аср муаллифлари асарларида Кат шаҳрининг инқирози тўғрисида ҳам баъзи маълумотлар учрайди. Абу Райхон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида кўрсатилишича, «Ал-Фир ўн милча ва ундан узокроқ масофадан кўринар эди. Жайхун (Амударё) ҳар йили уни бузиб, йиқитиб ва парчалаб олиб кета берди; ниҳоят Искандар (А. Македонский – Т.Б.К.) тарихининг минг уч юз бешинчи йилида ундан асар ҳам қолмайди» [1,71].

Унинг тахминан 994 йиллар атрофида Кот шаҳридаги Ал-Фир қасри дарёга ғарқ бўлди, деган маълумотлари ҳақиқатdir. Шунингдек, 995 йилда Урганч ҳокими Мъемун ибн Муҳаммад иккала Хоразмни бирлаштириб ягона мустақил Хоразм давлатини ташкил этади ва Афригийлар сулоласи хукмронлиги барҳам топади. Урганч Хоразмнинг ягона пойтахтига айлантирилади.

Ибн Хавкал (997 йил) Кат шаҳарнинг вайронага айланганлигини тўлалигича тавсифлайди: «Унда сарой ва ташқи шаҳар бор эди. Дарё сарой яқиндаги ташқи шаҳар (рабод), марказий масжид ва қамоқхона барчасини ўз қаръига қамрам олди, ҳеч қандай иморат ёки яшаш жойлари излари ва қолдиқлари қолмади. Улар (Кот аҳолиси –Т.Б.К.) ундан нарироқда бошқа шаҳар қуришди» [9,183].

Афтидан, кўплаб муаллифлар маълумотларига кўра, X аср охирида Кот шаҳри сув тошқини остида қолган бўлсада, орадан узоқ вақт ўтмасдан қалъа қайта бунёд этилган. Бу ҳақида Ёқут Ҳамавийнинг (XIII аср боши) ёзишича, Кот қалъаси Жайхун (Амударё)нинг шарқий қирғоғида, Журжониядан (Кўхна–Урганч –Т.Б.К.) 20 фарсах (такхинан 160–170 км масофа) нарида бўлган. Ундаги жоме масжиди ва хоразмшоҳ қароргоҳи қалъа ортида жойлашган. Бозор шаҳарнинг марказида, Жардуришак сойи бўйида бўлган.

Мазкур маълумотлар IX–X асрларда Кот нафақат Хоразмнинг балки, Шарқдаги йирик иқтисодий, илмий ва маданий марказларидан бири бўлганлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки, ўзбек давлатчилиги, шаҳарсозлик тарихи, ўрта асрлардаги иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда Жанубий Орол бўйидаги Кот қалъаси ва унинг атрофидаги қадимий қалъалар тарихини ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамият касб этади ва ёшларимизда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қиласи.

АДАБИЁТЛАР

1. Абу Райхон Беруни. Избранные произведения. Т. I. –Ташкент. 1957.
2. Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида. –Тошкент. Ўқитувчи, 1996.
3. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. –Ташкент. Фан. 1972.
4. Готье Ю.В. Английские путешественники в Московском государстве в

16 веке. –Москва: ОГИЗ. 1937.

5. Гулямов Я. Памятники города Хивы. – Тошкент. 1941.
6. Гуломов Я. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. –Тошкент.Фан, 1959.
7. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. –Тошкент. Шарқ. 1993.
8. Манылов Ю.П. К изучению городища Кят // ВКК ФАН УзССР. – Нукус, 1966. – № 2. – С. 49–53.
9. Материалы по истории туркмен и Турмении. Т. I. –М–Л.: 1939.
10. Толстов С.П. По следам древнекорезмской цивилизации. –М–Л.: 1948.
11. Хоразм тарихи. –Урганч. Хоразм нашриёти, 1997.
12. Турганов Б.К. Металлообрабатывающее ремесло средневекового Хорезма (по данным археологических и письменных источников) // Диалог городской и степной культур на евразийском пространстве //Материалы V Международной конференции, посвященной памяти Г.А. Федорова–Давыдова 2–6 октября 2011 года. –Казань, Астрахань. 2011. –Б. 116–119.
13. Турганов Б.К., Алламбергенов С.К. Роль металлических предметов в изучении средневековых культурно-экономических связей Хорезм //Международный научный журнал символ науки. ISSN 2410–700 x. 5/2021. – Б.48–54.
14. Турганов Б., Байниязов А. Средневековые весы Хорезма. Инновационная наука. Международная журнал. №1. 2020. –С.33–37. ISSN 2410–6070.